

қизқичан соҳа бўйича таъли олчилари учун янада к имконият оңади.

Олим НОРБЕКОВ

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

ОРЗУЛАР

Ўртачирчиқ туманидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатда химия-биология, физика-математика, ўзбек тили ва тарихи йўналиши бўйича таълим берилди. Янги ўқув йилидан бошлаб эса математика ва инглиз тили йўналиши очилиб, бу синфга 28 нафар ўқувчи қабул қилинди.

— Ўқитувчиларнинг истагини инобатга олдиқ, — деди мактаб-интернат директори Марям Умарқулова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Мактабга илмга ташна, келажақда нуфузли олий ўқув юрталарида ўқишни дилига тугиб қўйган ёшлар келади. Шу боис уларни бўлажак синовларга ҳар томонлама пухта тайёрлаймиз. Мактаб-интернат 1992 йилда ташкил топган бўлса, ўтган давр мобайнида 400 нафардан зиёд йигит-қиз олий ўқув масканларига киришга муваффақ бўлди. Бу мактабимизда таълим олган жами ўқувчиларнинг тўқсон фоиздан ортиги тест синовларида юқори натижаларга эришди, деганидир.

Директорнинг таъкидлашича, бундай ютуққа ўқитувчиларнинг меҳнати, маҳорати, касбга садоқати тўғрисида эришилган.

— Инсоннинг ҳаёти давомида доимо ҳаяжон ва ҳурмат билан эслайдиган даргоҳи мактабидир, — дейди М. Умарқулова. — Сабабини ҳар ким турлича талқин қилади. Кимдир болалиқнинг беғубор хотираларини мактаб билан боғлиқ деб билса, кимдир ҳаётда эришган муваффақиётлари мактабга қўйган илк қадамидан деб билади. Ёш йигит-қизларнинг битирув кечасидаги ҳаяжонини ёки мактабни 10, 20, 40 йил аввал тугаллаган кадрдонларнинг дийдорлашувини, уларнинг чеҳрасидаги ҳис-ҳаяжонни ҳеч қузатганмисиз. Ўша лаҳзада собиқ синфдошларнинг қувончини сўз билан ифодаб бўла-дими?

Мактаб инсонга хотирада бир умр ардоқлаб, эслаб юришга арзийдиган хотираларни бера олиш қудратига эга даргоҳдир. Инсонга бундай бебаҳо инъомни мураббий беради.

«Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда сидқидилдан меҳнат қилаётган бир гуруҳ мураббийлар ҳукуматимизнинг юксак унвонлари ва мукофотлари билан тақдирланганлиги ўқитувчиларга ҳурмат эҳтиром қўрсатилаётганлигидан далолатдир. Жумладан, Мазкур жамоада меҳнат қилаётган Турсунбой Эгамбердиев «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», Акбар Қаландаров биринчи даражали «Соғлом авлод» ордени, Ойдин Охунжонов, Шароф Усмонов, Искра Ким, Ҳатир Ғофуров, «Халқ таълими аълочили» деган юксак номга сазовор бўлишди.

— Шогирдларимиздан умидимиз катта. Келажақда улар орасидан олимлару, элга машҳур кишилар етишиб чиқишига ишонаман, — деди сўзининг якунида М. Умарқулова.

УШАЛАЁТГАН ДАРГОҲ



ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

«ТУНГИ КАПАЛАКЛАР»НИНГ КУНИ БИТДИ

Озарбайжон Президенти Гейдар Алиев Бокудаги тунги «ҳаёт»ни кескин қоралади ва фуқароларни фоҳишабозлик ҳамда ахлоқсизликка қарши кескин кураш бошлашга чақирди. Ҳозир Бокуда 140 та бар ва тунги клублар ишлапти. 1998 йили барча казино ва киморхоналар беркитиб қўйилган. Яқинда Боку ҳокими (мэри) барларнинг иш вақтини кечлаш ҳақида буйруқ чиқарди. Алиев давлатидан сўнг Боку милицияси бар ва тунги клубларда рейд ўтказиб, жуда кўп фоҳишаларни қўлга олди. Озарбайжон полициясининг собиқ бошлиғи М. Ҳаҷиев сўзига қараганда, бу тунги ишратхоналарда асосан бойваччалар ва амалдорларнинг фарзандлари кўнгилхушлик қилишадди.

ҚОИДАБУЗАРЛАР АДАБИНИ ЕЙДИ

Швеция ҳукумати майпараст ҳайдовчиларга қарши курашнинг гаройиб усулини ўйлаб топди. Маст ҳолатда рул бошқариб бир марта қўлга тушганлар жаримага тортилганларнинг қон таркибидаги алко-голь микдори белгиланган микдордан ошиб кетса, автомобиль ўз-ўзидан тўхтади ва ҳарчанд уринманг, ўт олмайди.

Санъат ва савдо вазирининг айтишича, бу тажриба учта туманда синовдан муваффақиятли ўтди. Келгусида у мамлакатнинг барча ҳудудларида қўлланиши кўзда тутилмоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат инспекциясининг Москва бошқармасига Санкт-Петербургда ишлаб чиқилган махсус асбоб синов-тажриба учун топширилди. Видеокомпьютер мажмуали бу асбобнинг номи «Патруль» бўлиб, қоидабузар автомобилнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатини тасвирга тушириб қўяди, агар масала судга борадиган бўлса, инкорсиз далил вазифасини ўтайди. «Патруль»нинг зўрлиги шуки, қоидабузарлар томонидан қўлланиладиган радарга қарши ва бошқа ҳар қандай усулларни чиппаққа чиқаради.

ШИНГИЛ ХАБАРЛАР

• Бу йил Россияда СПИД касалини юқтирганлар сони 1 миллион кишига етди, улар орасида ҳатто вазир ҳам бор.

• Япония пойтахти Токиодаги тунги клублардан биридаги ёнғин тўғрисида 44 киши ҳалок бўлди.

• Москвада пилбуль насли ит ўзининг 83 ёшли бекасини ғажиб ўлдирди.

• Бир ҳафта ичида Қозғистонда 243 та автомобил ўғирлаб кетилди.

• РЖТнинг «Мўжизалар майдони» («Поле чудес») кўрсатуви бошловчиси Леонид Якубович машинасида бир йўловчини уриб юборди, у ҳалок бўлди.

• «Лукойл» компанияси бензин сифати бўзилмаслиги учун А-76, А-93, А-95 маркали бензинларни бошқа-бошқа рангга чиқаряпти.

• Донецдаги шахта портлаши қўрбонлари сони 55 тага етди.

• Тожикистонда автобус портлаши оқибатида 8 киши ҳалок бўлди.

• Нигерияда 13 ёшли қиз 48 та қотилликда қатнашганлигини тан олди.

• Россияда 200 доллар эвазига бўлажак аскарларга армиядан қолиш учун ёлгон маълумотнома ёзиб бераётган шифокор қўлга олинди.

• Россиянинг Ростов вилоятида қонунга бағишлаб ҳайкал очилди. Бу ҳайкал қўрилишида махбустар иштирок этдилар.

• Бир неча халқаро ташкилотлар ўтказган савол-жавоблар натижасида маълум бўлишича Грузиядаги ҳар уч аёлниң бири бокира экан.

• Хиндистон тиббиёт ходимларига СПИД юқиши ҳодисаси қайд этилмоқда. Канпур шаҳридаги тиббиёт коллежидида 7 арак СПИД билан оғирган касалларга шонилин ёрдам қўрсатиш чоғида ўзларига бу касалликни юқтириб олишган.

• АИФ «Новости» берган хабарга кўра Грузияда ноқонуний йўллар билан олиб келинган одамларни Туркия, Греция, Исроил ва Ғарбий Европада сотиб юборилаётганлиги аниқланди.

• Американинڭ Санкт-Петербург шаҳрида ҳавонин кун бўйи булут қопласа «Мустақил кечки англичанларнинг 11 минг муштарийлари газетани бевул олишди. «Энг қўйли» шаҳарлардан бири ҳисобланган бу жойда 83 йилдан бери нашр этилаётган мажмуа газетати 312 маротаба текинга тарқатилди.

• Москвадаги Домодедово аэропортида божхона ходимлари умумий вазнини 2 килограммдан ортиқ 66 та қўйма оптинини яширинча равишда Бокуга олиб кетмокчи бўлган озарбайжонлик фуқаронини ушлашди.

• Ули телефондан фойдаланиб буйича Хитой АҚШдан ўзиб кетди ва дунёда биринчи ўринга чиқиб олди. 2001 йил июлининг охири кунлари маълумотларига қараганда Хитойда 120,6 миллион, АҚШда эса 120,1 миллион киши ули телефондан фойдаланаётганлиги қайд этилган.

Арафадаги мулоқот

ТЕРМИЗ ПОЛВОНЛАРНИ КУТМОҚДА

Шу йилнинг 28-29-сентябрь кунлари Термиз шаҳрида миллий кураш бўйича ал-Ҳаким ат-Термизий соврини учун анъанавий Х халқаро турнир ўтказилди. Турнир арафасида «Туркистон-пресс» мухбири Термиз Давлат университети доценти, халқаро тоифадаги ҳакам Уроқ ИБРОҲИМОВ билан суҳбатлашди.



— Уроқ Исмаилов, анъанавий турнирлардан буйи икки йилдан кўпроқ вақт ўтди. Миллий кураш соҳасида ўзгаришлар, сезиларли янгиланишлар бўлдимми?

— 1999 йилнинг баҳорида Термиз шаҳрида ўтган анъанавий Халқаро турнирдан буйи катта ўзгаришлар, кураш муҳлисларини ҳам, бизни ҳам қувонтирадиган сил-жишлар бўлди. Чунки, шу йил Халқаро «Кураш» академиясининг Сурхондарё филиали ташкил этилди. Танлиқли спортчи, олим Жума Тошпулатов унга президент этиб тайинланди. Режага кўра келажақда тўлақонли «Кураш» академияси бўлади. Дунёнинг қайси минтақасида, мамлакатда бўлмисин, ўзбек миллий кураши билан қизиқадиган мутахассис-спортчилар, ҳакамлар миллий курашининг асл ва тарихий Ватани бўлган Сурхондарёга келиб ўрганади, таҳсил олади. Шу ерда таъбир жоиз бўлса, ўзбек миллий кураши ҳақами деган ҳуж-жатга эга бўлади.

Комил ишонч билан айтаманки, икки турнир орали-гида полвонларимиз сафи кенгайди. Жиддий сифат ўзгариши юз берди. Шу йилнинг август ойида Денов шаҳрида ўтказилган вилоят босқичи бунга яққол далил бўла олади. Бунда кураш санъатини анча ўзлаштирган, кишида умид ва ишончини мустаҳкамлайдиган дадил полвонларнинг майдондаги беллашувларини кўрдик. Масалан, Давлат Чориев, Баҳром Ғозиев, Баҳром Эшонқулов, Баҳодир Менгичиев ва бошқаларни тилга олиш мумкин. Бойсулик полвон Осит чемпиони Абдулла Тан-гиревдан умидимиз жуда катта. Эсингизда бўлса, вилоят босқичидаги финал учрашувда жaxon чемпиони Махтумқули Махмудов билан Баҳром Ғозиев майдонга тушди. Бу полвон Махтумқули полвонни анча-мунча шо-шириб қўйди.

— Бу галги турнирда вилоятимиздан қайси полвонлар майдонга тушиш учун тайёрланмоқда? Рўйхатда янги полвонларнинг ҳам номлари борми?

— Халқаро турнирга полвонларимиз вазн тоифа-рига кўра икки тартибда ҳозирлик қўришаётир. 66 килограмм вазнда Тўрабой Отаев, 73 килограмм вазнда, Олим Худойкулов (у 2000 йилда Наманган шаҳрида ўтказилган талабалар универсиадаси ғолиби), Баҳром Эшонқулов, 90 килограмм вазнда Файзи Очиллов, Ил-хом Даминов, 100 килограмм вазнда Давлат Чориев, Баҳодир Менгичиев, 100 килограммдан юқори вазн тоифасида Эрали Махмудов, Рустам Эргашевлар юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилишди.

Хуллас, Термиз ва термизликлар дунёвий номдор полвонларини интизорлик билан кутаётир.

Долзарб мавзу

АМЕРИКАНИ УЙҒОТГАН ҲАҚИҚАТ

ёки халқаро террор ва унинг мудҳиш оқибатларидан бугун қандай сабоқ чиқарилмоқда?

Америка Қўшма Штатларини ва наинки америка-ликларни, балки бутун дунёни ларзага солган «Қора сешанба» воқеаси атрофидаги баҳс-мунозаралар ҳали сусайгани йўқ. Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳар-ларидаги вайронагарчиликлар оқибатида ҳаётдан қўз-юмганлар, шифохоналарни тўлдирган ярадорлар, ном-нишонсиз йўқолган кишилар халқаро террорчи-ларнинг ҳақиқий башарасини, уларнинг мудҳиш жи-ноятларини фош этди. Ва, яна шу нарсани амин бўлдики, террор миллат танламайди, сарҳад бил-майди, энг даҳшатли, энг ёвуз мақсадлардан тап-тормайди.

Шундай шароитда террорга, террорчиларга қар-ши қандай курашиш керак? Миллионлаб америка-ликларнинг қўз ёшларига ғарқ бўлган «Қора сешан-ба» воқеаси дунёнинг қайси бир бурчагида яна та-коррланмаслигига қафолат борми? Террорчиларга қарши бирлашиш деганда қандай иттифоқни назар-да тутамиз?

Мухбиримиз самарқандлик сиёсатшунос олимлар, зиёлилар ва ишбилармонлардан айримлари билан шулар ҳақида суҳбатлашди.

Хайдар ИСЛОМОВ — «Адолат» СДП Самар-қанд вилоят Кенгаши иккинчи котиби, хукушунос:

— Бугун дунёдаги сиё-сий вазият ҳамжihatлик сари кескин ўзгаргани, она сайёрамиз тақдирини учун жавобгарлик, бурч, масъ-улият тушуначалари кучай-ганини сир эмас. «Совуқ урушлар» давридаги тур-ли зиддиятлар, ихтилоф-лар, бир-бирини менсиз-масликлар ортда қолгани рости. Энди ХХI асрга ке-либ муайян бир мамлакат-га эмас, бутун жаҳонга, инсоният цивилизациясига ҳаф солаётган қора куч-лар қаршисига соғлом кучларнинг бирлашиши яққол сезилмоқда.

Террорчиларга қарши бутун чоралар билан кура-шиш керак. Токи улар дунёнинг қайси бир хил-ваат бурчагида беркиниб, манфур режалар тузишма-син, инсониятни қонга, из-тиробларга ғарқ этишма-син, Лекин кураш адолат-ли ва айнан террорчи иб-лисларга қаратилган бўли-ши, қасос зарбаларидан беғуноҳ халқлар азият че-касиги даркор.

Шу муносабат билан Президентимиз Ислам Кар-имовнинг террорчиликка қарши биргаликда кура-шиш бу борада сиёсий ҳамфироқлик, террорчилар-нинг молиявий манбаалар-ини аниқлаб тугатишни талаб қилиши ҳақидаги фикрлари эътиборга лойиқдир. Террорчиларни уларнинг раҳномаларини жаҳон ҳамжамиятида эр-

топгани ва ғоятда хатарли режалар билан машғул бўлаётгани беҳиз эмас. Чун-ки кулфат доимо кулфатни излайди. У билан ёнма-ён яшайди.

Шундай қилиб ХХI асрнинг мудҳиш воқеаси содир бўлди. Энди уни амалга оширганлар учун жавоб чо-ралари изланмоқда. Оқ уй маъмурулари бу жавоб шаф-қатсиз ва террорчиликни таг-томири билан яқсон этишга қаратилишини таъ-кидламоқдалар. НАТОдаги иттифоқчилар ҳам бу бора-да уларни қўллаб-қувватла-моқдалар. Террорчиларга қарши ҳарбий ҳамкорлик, қуролли ҳаракатлар зарур-дир. Аммо мен шу ўринда мафкуравий ҳамкорлиқнинг аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор бермокчи эдим.

Чунки одатда террорчилар маълум гоё, мақсадлар йўлида тарбияланишади. На улкан вайронагарчиликлар ва на беҳисоб қўрбонлар уларни йўлдан қайтара ол-майди. Шундай экан бутун ядро полигонларидан кўра мафкура полигонларидаги ҳаф-хатар жиддийроқ экан-лигини англаб етишимиз за-рур. Чунки ядро полигонла-ри маълум ҳудудларга таъ-сир қўрсатса, мафкура по-лигонлари инсонлар қалби-ни эгаллаши, забт этиши мумкин. Демак, охир-оқибат террорчиликка олиб келади-ган ҳар қандай диний экст-ремистик гоялар мафкура-вий бўшлиқлар ўрнини эгал-ламаслиги шарт.

Дунёдаги ҳеч бир мамла-кат, у қай даражада қудрат-ли бўлмасин террор ҳуружи-дан сақланиб қолишига қа-фолат йўқ. Америка фojeа-си буйи яққол тасдиқлайди. Шундай экан, соғлом кучлар ва соғлом тафаккур бирлаш-гандагина ҳақиқат тантана қилади. Ахир ҳозир дунёда глобаллашува жараёни ке-чаётган экан террорчиликка қарши курашда ҳам кенг миқёсдаги бирлашишлар за-рур.

Юсуф АБДУЛЛАЕВ — Самарқанд Давлат чет тиллар институти ректо-ри:

— Мен хизмат тақозоси ту-файли Америка Қўшма Штатларида кўп марта бўлганман. Нью-Йорк ва Ва-шингтон шаҳарларидаги ос-монўпар биноларга ҳавас

билан разм солганман. Мил-лат фаҳрига айланган кўп қаватли жаҳон савдо мар-казининг қўшалоқ биноларини ўз кўзим билан кўрганман. Америкаликларда миллий ифтихор туйғуси кучли. Улар бу ерда инсон ҳуқуқлари камситилмаслиги, демократ-тияни афзал билишларига шубҳа йўқ. Хўш, бу ҳолда террорчилар оддий америка-ликларнинг ёки сизнинг, бизнинг ораимизда беркиниб юрмасликлари учун нима қилиш керак?

Лоқайдилик, бепарволик-ка барҳам бериш керак! Ўзгалар фojeасини ўз фojeасидек қабул қилган ин-сон ҳаётда камроқ адаша-ди. Чунки у ҳушёр бўлишга, сабоқ чиқаришга давват этилгандир. Тинчликни, осейишталликни сақлаш, хавфсизликни мустаҳкам-лашга оид ишорлар кўча бе-загига айланиб қолмай, ҳар биримизнинг қалбимизга сингиб кирсин.


Бугун дунё ҳамжамиятида соғлом кучлар ўзаро бирла-шаётгани, бир-бирини тушу-ниб етаётгани яхши. Террор-чиларга қарши ҳамма воси-талар билан курашган маъ-кул. Чунки давлатлар ўртасида ўзаро ахборот ал-масишлар муҳим деб ҳисоб-лайман. Чунки иблис уясини биргалишда излаш ва яқсон этиш осонроқ кечади.

Аммо тақдирини қарангки, энг қудратли мамлакат ҳам баъзан бурнининг остидаги хавфини кўролмай ортиқча хотиржамликка берилиб қолар экан.

Террорчилик бугун кўрраи заманимизни кўркун ва та-хликага солиб қўйгани рости. Айталик, ўша Вашингтон ва Нью-Йоркда одамлар кўп қаватли уйларида яшашдан воз кечишаётгани, само-лётларда йўловчилар камай-иб қолгани ҳам ана шу кўркун натижаси эмасми?

Аммо хатардан узоқ юриш эмас, уни бартараф этиш чораларини қўриш лозим. Америкадек кўпмиллионли мамлакатда ҳар бир фуқаро-ни кўчаларда, метролар-да ёки бошқа гажум жой-ларда суриштириб туради-

Суҳбатдош: Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, «Адолат»нинг ўз мухбири.



• АҚШдаги музейлардан бири.

